O`zbekiston Respublikasi Namangan viloyati Namangan tumani hokimining QARORI

2022 - yil 30 - sentabr 513-6-82-Q/22 Namangan tumani hokimligi

Қабристонларда гўр қазиш ҳамда маросим хизматлари бўйича гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган “Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари”нинг 42-банди, 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган “Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 8, 14-бандларига асосан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Наманган туман ободонлаштириш бошқармасининг 27.05.2022 йилдаги таклифи ҳамда Наманган туман ҳокимлиги молия бўлимининг 27.05.2022 йилдаги хулосаси маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. Наманган туманидаги қабристонларда гўр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи миқдори қуйидагича этиб белгилансин:

16 ёшгача бўлган бир нафар бола учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи;

16 ёшдан ва ундан катта бўлган бир нафар шахс учун базавий

ҳисоблаш миқдорининг 60 фоизи.

3.Наманган туманидаги қабристонларда маросим хизматлари (масалан, маййитни кўтариб олиб келиш, қабрга қўйиш, кўмиш ва бошқалар) бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи (ҳар бир маросим хизмати учун алоҳидадан) этиб белгилансин.

4. Барча ишлаб турган қабристонларда дафн этиш учун жой (участка) бепул ажратилади.

5. Наманган туман ободонлаштириш бошқармаси:

қабристонларда гўр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти ҳамда маросим хизматлари бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи миқдорига қатъи риоя этилишини;

ушбу маблағлар тегишли равишда гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун ишлатилишини;

мазкур пулли хизматлар тарифи миқдорини аҳолига етказилишини ва тўғри тушунтирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор туман ҳокимлигининг “Истиқлол” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига (toshbuloq.uz) жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Наманган туман ҳокимлигининг Ахборот хизматлари мазкур қарорни оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилиш ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш чораларини кўрсин.

8. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Наманган туман ҳокимининг 26.08.2014 йилдаги 743-сонли қарори ўз кучини йўқотилган деб хисоблансин.

9. Мазкур қарордан норози шахслар судга ёки юқори турувчи органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Ж.Акбаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **С.Мўминов**